

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqq
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 5-iyul, shanba
№ 53 (15795)



МАМЛАКАТЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

ПЕКИН, 4 июль. ЎЗА махсус мухбири Нодира МАНЗУРОВА хабар қилади.

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига бағишланган форум бўлиб ўтди. Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси томонидан ташкил этилган анжуманда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркиянинг эллика яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Хонг Лей билан учрашди.

Хонг Лей Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммитидаги иштироки ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ривожига янги босқич бўлганини қайд этди.

– Ўзбекистон Марказий Осиё ва умуман Буюк ипак йўлидаги муҳим давлатдир, – деди Хонг Лей. – Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми барқарор ўсиб бораётганидан мамнунмиз. Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий, давлат ва жамият бошқаруви соҳаларида олиб борилаётган ислохотлардан ўрнат олса арзигулик жиҳатлар кўп.

Хитойлик ишбилармонлар билан учрашув Буюк ипак йўли мамлакатларининг, хусусан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича фикр алмашиш имконини берди. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси халқаро департаменти бош директори Чжэн Син мамлакатларимиз ўртасида ёқилғи-энергетика комплексиди ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этди. Марказий Осиё – ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истикболли углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, балки табиий газни қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Мазкур йўналиш Ангрен-Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. Мулоқот чоғида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида имзоланган шартнома асосида хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида мазкур доvon йўли қурилиши бошлангани Ўзбекистон ва Хитой ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилгани ва муттасил тараққий этаётганининг ёрқин далили экани қайд этилди.

ЎЗА



ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Ёз мавсумининг сўнги икки ойи — Ўзбекистон ёшлари учун ҳаяжон ва бурилишларга тўла фурсат. Бу вақт кучлиларни барча марра ва синовдан ўтиб, ҳаётдаги мақсадлари — ўз орзуларидаги олий ўқув юрти талабаси бўлишдек ниятларининг ушалиши учун хизмат қилади.

20 июндан олий таълим муассасалари ҳужжат қабул қилиш учун барча абитуриентларга ўз эшиklarини очди. Ҳозирда қизгин паллага кирган бу йилги қабул жараёни ўзгача руҳда ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 июнда қабул қилинган «2014-2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига

қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2014-2015 ўқув йили учун қабул квотаси тасдиқдан ўтди. Унга кўра, ушбу ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги бўлимларга умумий қабул квотаси 57 907, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 19 120 ва тўлов-контракт асосида 38 787 нафар миқдорда белгиланди.

Шунингдек, бакалавр-

лар тайёрлаш бўйича махсус сиртки бўлимларда 115 нафар талаба тахсил олиши белгиланган. Шундан Тошкент кимё-технология институти Қўнғирот бўлимининг махсус сиртки бўлимига давлат грантлари бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимига 50 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 15 на-

фар, тўлов-шартномалар асосида 35 нафар абитуриент қабул қилинади.

Шу билан бир қаторда, магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 5000, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 1548 ва тўлов контракти асосида 3452 нафар миқдорда белгиланган.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Ёшларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан яқиндан таништириш, сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали уларнинг фаол фуқаролик позицияси ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугуннинг долзарб масалаларидан.

ЁШЛАР ВА СЕНАТОРЛАР УЧРАШУВИ



Рустам Назарматов олган сурат

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари ҳамда Ҳаракат фаолларининг сенаторлар билан учрашуви шу мақсадда ташкил этилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлма-

ган, мустақил ва соғлом тафаккурли, баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадҷонова. — Ушбу лойиҳалар дои-

расида фаол ёшлар мамлакатимиз парламенти ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан яқиндан таништирилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган «Ҳоким ва ёшлар» мавзусидаги учрашув ва мулоқотлар ҳам қизиқарли бўлди.

«Сиз қонунни биласизми?» танловининг 2013-2014 ўқув йилидаги барча босқичларига академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 55 минг нафарга яқин ўқувчиси жалб этилди. Танлов шартларига кўра иштирокчилар томонидан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасига уч юзга яқин таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлган учрашувда танлов иштирокчилари томонидан қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига таклифлар билдирилди.

Тадбирда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам ёшларга батафсил маълумот берилди.

Ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолияти билан ҳам танишдилар.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА муҳбири

«Bunyodkor — 2014»

БЎШ ВАҚТИМИЗ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

— дейди ёш қурувчилардан бири

Ҳар йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бир қатор ташкилот ва вазирликлар билан ҳамкорликда талаба-ёшлар ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни ёзги таътил кунларида фойдали иш билан таъминлаш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатини ташкил этиб келмоқда. Ушбу ёшлар меҳнат ҳаракатлари ўз хоҳиш-истаги билан меҳнат қилишни хоҳлаган кўнглили ёшлардан шакллантирилади.

Бу йил Сирдарё вилоятида ҳам «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати кўтаринкилик билан бошланмоқда.

Айни кунда Гулистон туманидаги «Зарбдор» массивидаги намунавий уй-жой қурилишида бир юз йигир-



ма нафар маҳаллалардаги вақтинчалик ишсиз ёш жонбозлик кўрсатмоқда. Бу ерда кимдир девор кўтараяётган бўлса, кимдир уйларнинг томини ёпаяпти, яна кимдир безак ишларини бажараяпти. Қизгин иш устида бўлган тенгдошларимиздан бир нечасини суҳбатга тортдик.

— Икки йилдан буён дўстим Нажмиддин билан «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига аъзо бўлиб, вило-

ятимизда қурилаётган намунали уй-жойлар қурилишида ишлаб келяпмиз. Турар жой, иссиқ овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланганмиз. Иш ҳақларимизни ҳам ўз вақтида оляпмиз. Ойлигимиз саккиз юз мингдан бир миллион сўмгача белгиланган. Ўзимизнинг харажатларимиздан ташқари оиламиз-

га ҳам ёрдам беряпмиз, — дейди Расул Зокиров.

Жорий йилда «Зарбдор» массивида 176 та объект қурилиши режалаштирилган. Бу ерда ишлаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Элёр ЖЎРАЕВ,
Сирдарё вилояти



Hududlardan mujdalar

НАМАЊАНГ ВИЛОЯТИ

Янгикўрғон туманидаги «Камалак» болалар оромгоҳида «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси ўтказилди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган лойиҳа давомида турли ўқув-семинарлар, спорт беллашувлари ҳамда фавқулодда вазиятлар бўйича амалий машғулотлар ташкил этилди. Ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган оромгоҳдам олувчилари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят кутубхонасида мунозара кечаси ташкил этилди.

Ушбу тадбир Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Мунозара» тўғраги, вилоят телерадиокомпанияси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди. Мунозара иштирокчилари «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастурига бугунги ёшларнинг фикри» ҳамда «Эрта никоҳ ва унинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни» мавзуларида фикрлашди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон давлат университетида «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар республика танловининг вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танловда тўрт юздан ортиқ андижонлик ёшлар иштирок этишди. Уларнинг 252 нафари вилоят босқичида «Архитектура ва дизайн, либослар дизайни»; «Ахборот технологиялари, рационализиаторлик таклифлар ва техник ишланмалар», «Анъанавий ва амалий санъат», «Иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар», «Адабиёт ва журналистика» йўналишларида ўз ижодларини намойиш этди.

Танлов якунига кўра, қирқ тўрт нафар иқтидор эгаси голиб деб топилди. Фолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



Рустам Назарматов олган сурат

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК УЧУН

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Яратилаётган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, тадбиркорлик, фермерлик, кичик бизнес соҳасига кириб келаётган йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мазкур қарор ижроси доирасида ишлаб чиқилган туман дастурида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда тумандаги корхона ва ташкилотлар, муассасаларда ҳудудий ва тармоқлар бўйича махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Айни пайтда дастур ижросини таъминлаш бўйича туман комиссияси ҳамда устувор йўналишлар ижросини мониторинг қилувчи етти ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Турли соҳа раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари дастурда белги-ланган вазифаларнинг бажарилишини доимий мониторинг қилиб боради. Уларнинг ҳулосалари, таклиф ва тавсиялари комиссия томонидан ўрганилиб, туман ҳокимлиги йиғилишларида муҳокама этилаётир. Ўтган даврда дастур доирасида умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфини битираётган ўқувчиларни, хусусан,

қизларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўрганилиб, мавжуд муаммолар бартараф этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати дастури ижросини таъминлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни катта. Туманда ушбу ташкилотнинг 20 минг 400 га яқин аъзоси бор. Бу йил касб-хунар коллежини 2 минг 149 нафар ёш мутахассис битирди. Жорий йилнинг ўтган даврида туманда беш марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Тузилган уч томонлама шартнома асосида битирувчилар иш ўринларига эга бўлмоқда.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлашда маҳалла, таълим муассасалари ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги яхши самара бераётир. Бу борада фуқаролар йиғинлари қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш, спорт ишларини ташкил этиш, маънавият ва тарғибот ишлари комиссияларининг фаолияти муҳим омил бўлмоқда.

Маҳаллаларда тузилган комиссиялар томонидан ҳудудларда ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, уларни тадбиркорликка, касб-хунарга жалб этишда муайян ишлар амалга оширилаётир. Масалан, биргина Мулканлик маҳалласида 20 тадбиркорлик субъектининг 17 тасини ёшлар бошқараётир. Худди шундай Жиззахлик, Тоқчилик, Учтепа, Қўлама каби маҳаллаларда ҳам ёшлар ўртасида ўз бизнесини бошлаган тадбиркор, хунараманд, фермерлар кўпаймоқда.

Ёшларнинг гиёҳвандлик, «оммавий маданият», одам савдоси ва бошқа турли иллатлар гирдобини

га тушиб қолишининг олдини олиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига янада кенг жалб этиш борасида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. «Ёш авлод — келажак таянчи», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Урф-одат ва ёшлар», «Миллий халқ ўйинлари» каби акция ва маърифий тадбирлар шулар жумласидандир.

Айни вақтда маҳаллий ҳокимликлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, ички ишлар идоралари, ФХДЁ бўлимлари билан ҳамкорликда «Эрта никоҳ — келажак учун хавфли», «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Никоҳ-оила-соғлом зурриёд» мавзуларида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда тумандаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларидаги замонавий спорт иншоотлари муҳим аҳамият касб этаётир. Бундан ташқари, иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Туман спортчилари бокс, футбол, кураш, таэквандо, дзюдо каби спорт турлари бўйича вилоят, мамлакат терма жамоалари таркибида нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туманда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастури бўйича ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиши ва касб-хунар ўрганиши, ишга жойлашиши, интеллектуал салоҳиятини ўстириши бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Акмал АБДУЛЛАЕВ,
Жиззах тумани ҳокими.
(ЎЗА)

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2013 йилнинг 1 августидан 2014 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил 5 августгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

БИТИРУВЧИ ДИПЛОМ ОЛДИ

Айни кунларда республикаимиз бўйлаб ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида тантанали равишда битирувчиларга диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Навоий давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейда ҳам ушбу сана катта тантана билан ташкил этилди.

Мазкур академик лицей вилоятдаги минглаб билимдон, зукко ва салоҳиятли ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаришда қанот вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили ушбу таълим муассасасини тугаллаган ёшларнинг 95 фоизи олий ўқув юрталари талабаси бўлиш бахтига эришмоқда. Лицей ўқувчилари орасида муддатидан аввал талабалик сафига қўшилган йигит-қизлар эса кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, лицей ўқувчиси Восеъ Ҳусинов 47-Халқаро Менделеев олимпиадаси ҳамда кимё фанидан Республика фан олимпиадасида 2-ўринни қўлга киритиб, имтиёзли равишда олий ўқув юртига қабул қилинди.

Таълим муассасасида ўтказилган битирувчиларга диплом топшириш маросимида сўзга чиққанлар лицей ёшларининг ютуқларини фахр билан тилга олдилар. Бу йил академик лицейнинг 301 нафар битирувчисига дипломлар тантанали равишда топширилди. Улар орасидан 25 нафар ўқувчи имтиёзли диплом соҳиби бўлди.

Отабек АСЛОНОВ

Шахмат — ақли чарқловчи, зийрак ва серрак килувчи, тереан фикрланга ва мушоҳадага ундовчи мўжизакоф спорт тўри. У ўзининг чинакам соҳибини юксак нафралар сари элтади.

Бўри нафақат юрбдорларимиз, балки жаҳон шахматчилари ҳам Жавоҳир ва Ислоббек Синдороларга тан берди. Инсондан юксак интеллектчал салоҳият, ақл-заковат, чуқур мушоҳадани талаб эътадиган мураккаб спорт тўри — шахматда голиб чиқиб ҳаммага ҳам насиб эътаврийди. Мақтаб ёшидаёқ, чикан галабаларни кўлга кирибган ака-ўка Синдороларни бўричун дунё чемпион дея эътироф эълмоқда.



Ўза фотохудожми Отабек МИРОСАТОВ олган сурат

Ўзбек ёшларининг салоҳияти

буни дунё тан олмоқда

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида яшовчи Жавоҳир ва Ислоббек Синдоролар ҳали ўн ёшга ҳам кирмаган. Ҳар бир ота-она фарзандининг келажаги ҳақида қайғуради. Уни ўзи хоҳлагандек яхши касб эгаси бўлишига ҳаракат қилади. Ҳафизахон опа ҳам тўнғич фарзанди туғилганда эл корига ярайдиган, одамларнинг мушуқулини осонлаштириб, дардларга шифо улашувчи етук шифокор-жарроҳ бўлишини ният қилган.

Халқимизда «Ақл ёшда эмас, бошда», «Бўладиган бола бошидан маълум» деган пурмаъно мақоллар бор. Эндигина 301-умумтаълим мактабининг учинчи синфига ўтган Жавоҳир тўрт яшарлигидан шахматга меҳр қўйган. Ушанда хотираси кучли, қизиқувчан болакаини отаси ўсмирлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Сирожиiddин Зайниддиновнинг шахмат мактабига олиб борганди.

— Фарзандларимга тўрт ёшлигида кўпайтирув жадвалини ёдлатгандик. Катта ўғлим тез ёслаб қолиши билан бизни ҳайрон қолдиради, — дейди онаси Ҳафизахон Синдорова. — Ундаги ақлий салоҳиятини ҳисобга олиб Жавоҳирни «Sport. Friendship. Victory» («Спорт. Дўстлик. Галаба») шахмат мактабига бердик. Кечагидек эсимда: бир-икки машғулотлардан кейин уйга келиб барча шахмат доналари номи, юриш усулларини тўлиб-тошиб, мароқ билан ёддан айтиб берганди. Иккинчи ўғлим ҳам уч ярим ёшидан шахматга қизиқди. Ака-ўка бўш қолди дегунча, унинг сирларини ўрганишди. Кейин-кейин турли мусобақаларда қатнаша бошлашди.

ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ИЛК ҚАДАМ

Жавоҳир Синдоров 2011 йили Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ўтказилган шахмат мусобақаларида илк галаба — Тошкент шаҳар биринчилиги голиблигини кўлга киритди. У халқаро майдондаги дастлабки галабасига эса 2012 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказил-

ган Осиё чемпионатида эришди. Етти ёшгача бўлган ўғил болалар беллашувида блиц турнирда олтин, классик шахмат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. Сирғали туманидаги 305-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Ислоббек ҳам кичкиналигидан ўзининг юксак спортчилик салоҳиятини кўрсата олди. У 2012 йили Ҳиндистонда ўтган китъа чемпионатида беш ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган турнирда кумуш медални кўлга киритди. «Ақл гимнастикаси» сир-асрорини тобора пухта ва жуда тез ўзлаштираётган Ислоббекнинг ўйин услуби бугун кўплага мухлис мутахассислар эътиборида. Чунки у тез ва тўғри қарор қабул қилади, партиядо ҳар қандай мураккаб вазият юзга келса ҳам фақат ҳужумга зўр беради.

— Ака-ўка Синдороларнинг ютуқлари мактабимизда шахмат сир-асрорини ўрганаётган бошқа болаларга ҳам ўрнак бўлаётир, — дейди шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати совриндори, мураббия Сабоҳат Зайниддинова. — Бу бизга машғулотлар жараёнини тўғри ташкиллаштириш, мусобақаларда муваффақиятга эришишда катта ёрдам бермоқда. Уларнинг ҳар иккисидо ҳам кучли шахматчилик қобилияти бор. Ўйинлар давомида Жавоҳирдаги мулоҳазакорлик, масъулиятчилик сезилиб туради. Ислоббек эса ҳужумкор, шиддатли ўйин услубига эга. Тўрт соатлаб давом этадиган машғулотларимиз халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш вақтида беш-олти соатгача чўзилиб кетади. Аммо уларнинг бирор марта: «Бўлди, устоз, чарчадик», — деган сўзларини эшитмаганман. Уларни машғулотлардан чарчатиб қўймаслик мақсадида бошқа бирор жисмоний спорт тури, масалан, футболга ҳам йўналтирамиз.

Бу муваффақиятлар мақола-миз қаҳрамонларида ўзига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлади.

ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Ўтган йили Эроннинг Сари шаҳрида шахмат бўйича 18

ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида китъамизнинг йигирмага яқин давлатидан 270 нафар шахматчи қатнашди. Чемпионатда Ислоббек рапид ва блиц турнирларида ҳамда классик шахмат бўйича учта олтин медални кўлга киритган ягона спортчи бўлди. У мусобақадда жами 21 партия ўйин ўтказиб, шунинг йигирматасида галаба қозонди ва ўзига хос рекорд ўрнатди. Дунёда ҳеч бир шахматчи 6 ёшида китъа миқёсидаги нуфузли мусобақадда 20 партиядо галаба қозонишни уддалай олмаганини билган мутахассислар ўзбек ўғлонининг маҳоратига қойил қолишди.

Жавоҳир Синдоров эса Эрондаги Осиё чемпионати доирасида блиц турнирда терма жамоамиз ҳисобига кумуш медал келтирди.

— Фарзандларимнинг галабаларини, аввало, истиқлолимиз шарофати, Президентимиз Исло Каримов раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик самараси, деб биламан, — дейди Ҳафизахон Синдорова. — Шахмат мусобақаларини кузатар эканман, ўғилларим ўз жамоадош дўстлари билан бирга давлатимиз байроғини баланд кўтарганда қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлади, беихтиёр кўзларимга қувонч ёшлари қалқийди.

Бугунги кунда спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, мамлакатнинг обрў-эътиборини намоиш этишнинг, гуруру ва ифтихорини юксалтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. У инсонда кучли иродасини тоблаиди, галабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялайди, ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик туйғуларини шакллантиради.

ЧЕМПИОНЛАР ОИЛАСИ

Жорий йилда қаҳрамонларимизнинг оилавий медаллари тўпламига яна иккита олтин ва иккита кумуш медал қўшилди. Грециянинг Кавала шаҳрида

мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид — тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ака-ўка Синдоролар ўз ёш гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлишди. Хусусан, етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Ислоббек тўққизта партиянинг барчасида галаба қозонди. Ёш шахматчимиз баҳсларда барча рақибларини «мот» қилиб, ўз ёшида жаҳонда тенгсиз эканлигини исботлади.

Тўққиз ёшгача бўлган спортчилар мусобақасида голиблик учун дона сурган Жавоҳир ҳам турнир давомида бирорта мағлубиятга учрамай, Ўзбекистон шахмат мактаби қай даражада тараққий этиб бораётганлигини яна бир бор намоён этди. У тўққиз имкониятдан саккиз очко жамғариб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини кўлга киритди.

Эртасига блиц йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам ўзбекистонлик ёш шахматчилар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳолда олтин медални кўлга киритди. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилари баҳсида иштирок этган Ислоббек тўққиз партиянинг саккизтасида галаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, тўққиз ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўз иқтидорини намоиш этган Жавоҳир етти галаба ва икки дурағон натижа билан олтин медал соҳиб бўлди.

Ўз йўналишларида тенгсиз бўлган ака-ўка Синдороларнинг бу муваффақиятлари эътибордан четда қолмади. Юртимизга қайтган ёш чемпионлар шарафига пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шўхрати музейи»да тадбир ташкиллаштирилди. Унда жаҳон чемпионати голиблари Ислоббек ва Жавоҳир Синдоролар Президентимиз совғаси — энг сўнги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизор берилди.

— Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга ҳавас қиламиз, — дей-

ди Жавоҳир. — Юртбошимизнинг совғаси бизни янада руҳлантирди.

Келажақда кучли шахматчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёш спортчилар мусобақаларда ўтказган ҳар бир партиясини устози Сабоҳат Зайниддинова билан бирга чуқур таҳлил қилиб боради. Хато ва камчилик устида ишлаш, ҳужум ва ҳимояда янги усулларни қўллашга алоҳида эътибор беради.

— Сўнги уч йилда Жавоҳир билан етакчи гроссмейстерларнинг мингдан зиёд партиясини ўрганиб чиқдик, — дейди мураббий. — Жавоҳир юздан ортиқ мураккаб партияни ёдлаб олган. У ўзи дона сураётган учрашувларда ҳар бир юришни пухта ўйлаб, кейин амалга оширади. Шахмат йўналишлари ичидо энг мураккаби блиц ўйинлар бўлиб, унда шахматчи ўз юришларини жуда қисқа вақт ичидо амалга ошириши керак бўлади. Ислоббек ва Жавоҳир Синдоролар бу вазифани аъло даражада бажаришади. Ҳар иккиси, айниқса, Ислоббек рапид ва классик шахматдан кўра, шу йўналишда дона суришни яхши кўради.

Ёш шахматчиларимизнинг халқаро майдондаги галабалари сони ва салмоғи ортиб бораётгани, аввало, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган не-не буюк зотларнинг муносиб авлоди экани ҳамда азалдан шаклланиб келган тарбиявий-маърифий муҳит, маънавият ва тафаккур мактабининг мантиқий ҳосиласи ва шунинг баробарида, истиқлол йилларида ёш авлодининг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганининг ёрқин самарасидир. Айни кунларда Жавоҳир ва Ислоббек Синдоролар Дубай шаҳрида ўтказилаётган халқаро мусобақадда иштирок этишмоқда. Уларга келгусида бундан-да юксак чўққиларни забт этишлари, она-Ватанимиз байроғини янада баландларга кўтаришларини, навбатдаги ўйинларда ҳам зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Умида ИСМОИЛОВА,
«Turkiston» мухбири

ЛИБОСЛАРДА ЎТМИШ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Кийимларимизга миллий нақшлар шунчаки безак, чирой учун туширилмайди. Уларда халқимизнинг ўтмиши ва бугуни, урф-одатларимиз орзу-истакларимиз муҳрланган. Уни кийган киши қалбига ўз-ўзидан фахр-ифтихор тўлади.

Сурхондарёлик ёш моҳир хунарманд Дмитрий Инюшевнинг ишларини кузатар эканмиз, ана шу миллий-лигимиздан ғурурланишни яна бир карра ҳис этдик.

Дмитрий «кашта тикаман, лойдан ўйинчоқлар, турли буюмлар ясайман, хунармандчиликка қизиқаман, вассалом,» демайди. У «яратаётган санъат асарларим билан қалбларга яхшилик уруғини сочай, токи яхшилар янада кўпайса», дейди. Бу ниёт унга либослар тикиб, дизайнер бўлиш орзуси уйғонган болалигидан ҳамроҳ.

Дмитрий Тошкент вилоятидаги Янгийул маиший хизмат кўрсатиш касб-

хунар коллежида «Дизайнер-модельер» йўналишида таҳсил олди. У ерда Дмитрий либослар яратиш ва каштачилик сирларини эгаллаш билан бир қаторда, ўз услубини белгилаб олди: тикаётган либосларида у Сурхон воҳасига хос миллий нақшли безак услубини танлади. Йўл, мақсад аниқ бўлди ва моҳир қўллар бир-биридан ажойиб асарлар ярата бошлади.

Дмитрий ижодида либослар яратиш билан бир қаторда, кулолчилик намуналари, хасдан, ёғочдан ясалган бир-бирини такоррамас эсдалик буюмлар ҳам таҳсинга лойиқ.

— Ҳозир устахонамда 1920 йилдан шу кунга қадар сақланган миллий либослар коллекцияси бор. Миллий либосларни яратишимда Жарқўрғон туманида яшовчи ёши улуг онахонлар ўзларининг тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Момоларимиз кийган кийимларнинг тикилиш услублари билан танишиб чиқдим. Ҳатто уйма-уй юриб, қадимий нақш турларини излаб топдим.

Уста Дмитрий миллий матоларимиздан замонавий кўринишдаги бежирим либослар яратади. У кийимларга, асосан, майда гулли «панжа», «қўшоёқ», «бодом», «қалампир», «афгон тарвузи» каби нақшларни солади.

— Дмитрий тиккан либосларда, за-

монавийлик ва миллийлик уйғунлашган, — дейди жарқўрғонлик Зебинисо Холбоева. — Мана бу устимдаги кўйлакни ҳам Дмитрий тиккан. Унга «бодом» нақши туширилган. Елка қисмидаги «панжа» нақши кўйлакка янада безак бериб турибди.

Кийим матоларни бир-бирига қўшиб, улаб тикиш — куроқ деб аталади. Уни яратиш кишидан сабр-тоқат, нозик дид, моҳирлик талаб этади, яъни матоларни кичик-кичик бўлақларга бўлиб ранглар уйғунлигига ҳамроҳанг тикиш орқали ҳақиқий санъат асарини пайдо бўлади. Катта куроқларни тикишга кўп вақт, ҳатто бир неча ой сарфланади. Масалан, қахрамонимиз тиккан ilk куроқ кўрпага салкам олти ой кетган.

— Куроқ тикиш чеварни сабр-матонатга ўргатади, дидини нозиклаштиради, — дейди Дмитрий. — Тикувчи нозик дидли бўлиши керак, у яратаётган либослар ҳаммага манзур бўлсин. Хунармандчилик мактабимизда қизларимиз куроқ тикишдан чарчамайди. Улар турли шаклдаги — учбурчак, тўртбурчак ва айлана куроқлар тикадилар.

Йигитга қирқ хунар ҳам оз деганидек, қахрамонимиз бир сирлию, кўп қиррали. У ёғочдан турли кўғирчоқлар, лойдан кулолчилик буюмларини ҳам



ясайди. Чанқовузни шундай чаладики, бутун воҳа оҳангдан сармаст бўлади, гўё.

Дмитрий Инюшев ўзи яшайдиган Жарқўрғон туманидаги кам таъминланган оила фарзандлари, боқувчисини йўқотган болаларга хунармандчилик сирларини ўргатаётир. Биз ишондикки, Дмитрийнинг мактабидан ҳали моҳир хунармандлар етишиб чиқади. Чунки бу ёнаётган кўзлар ортида катта мақсадлар яширинган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ ННТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болаларни, айниқса, қизларнинг жисмоний тарбия ва спортга меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини, турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун ша-

роит яратиш;

— болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

— етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш;

— алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;

— ёшлар ва ўсиб келаётган авлоднинг фаровон ва соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш;

— тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

— болалар ва ёшларнинг эко-

логик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф-муҳит муҳофазаси борасида тасаввур шакллантириш;

— таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг ўртасида ижодий, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш;

— «**Бир болага етти кўшни ота-она**» шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

— ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;

— ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асосида кўп асрлик ва синовдан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси.

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-

қувватланади.

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Танлов мавзуси: «Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлигини таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш масалаларида ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш»

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— «**Ватан фаровонлиги оиладан бошланади**» шиори остида лойиҳаларни амалга ошириш;

— аҳолининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларидан хабардорлигини ошириш, маҳаллий экологик вазифаларини ҳал этишда аҳоли иштирокини таъминлаш;

— соғлом турмуш тарзини, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини таъминлаш;

— атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

— ННТларнинг маҳаллалар билан шерикликда бажариладиган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

— аҳолининг турли гуруҳлари орасида юқумли касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш, профилактик чора ва тадбирлар борасида хабардорлигини юксалтириш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ва жамиятда соғлом турмуш тарзини юксал-

тиришга кўмаклашиш;

— соғлом авлодни вояга етказишда таълим ва спортнинг аҳамиятини янада кучайтириш, болаларни баркамол ривожлантириш ва аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар билан таъминлаш;

— ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойлардаги аёлларни сифатли ижтимоий-маиший шароитлар билан таъминлашга кўмаклашиш;

— ижтимоий инфратузилма объектларида энергия ва сувни тежаш, замонавий чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва

муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси.

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), шунингдек, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатларни қабул қилиш

2014 йил 23 июндан 1 августгача, ҳар куни соат **9-30** дан **17-00** га қадар.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Ekologiya

ТАБИАТГА МУНОСАБАТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Одамзоднинг саломатлиги атроф-

муҳит билан узвий боғлиқлиги барчамизга аён. Шу боис экологик муҳитда юз бераётган ўзгариш ва муаммолар ҳаётимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронлари ва бошқа табиий офатлар катта ҳудудларда экологик вазиятнинг издан чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, ўрмонлар кесилиши, бўш ерларнинг деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилиши, атмосферага чиқаётган зарарли газлар, кўчаларнинг чиқиндилар билан ифлосланиши каби нохуш ҳолатлар нафақат атроф-муҳит барқарорлиги, балки инсон саломатлигига ҳам жиддий путур етказмоқда.

Айни вақтда мутахассисларни ташвишга солаётган глобал экологик муаммо — иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш борасида жаҳонда ва

юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда ички экологик муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йирик саноат марказлари — Ангрен, Олмалик, Чирчиқ шаҳарларидаги экотизим ва ижтимоий ҳолатни яхшилаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Зеро, саноат корхоналаридан чиқаётган турли хил зарарли газлар ва чиқиндилар атрофдаги экологик барқарорлиқнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, агро-саноат тизимидаги экологик муаммоларни бартараф этиш, сув манбаларининг саноат чиқиндилари, шунингдек, пестицид ва



минерал ўғитлар билан ифлосланишини камайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш, кўриқхоналар ва миллий боғлар тармоғини кенгайтириш юртимизда экологик вазиятни яхшилашнинг мақбул йўллари сирасига киради.

Иқлим шароити, ҳаво, сув, тупроқ таркиби ва сифати, табиий ҳамда фойдали микроэлементларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлигига таъсир этувчи муҳим омиллардир. Аммо Орол денгизининг қуриган туби-

дан кўтарилаётган чанг-тўзон ва тузлар узоқ-узоқ ҳудудларгача етиб бораётгани, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводидан чиқаётган захарли тутун республикамизнинг жанубий вилоятларидаги экологик мувозанатни издан чиқараётгани аҳолининг соғлом турмуш кечиришига тўсқинлик қилмоқда.

Эшдавлат СУВОНОВ,
«Qalb ekologiyasi»
нодавлат нотижорат
ташкilotи лойиҳа
раҳбари

Tuman boylik

МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази аҳамияти, бугунги кунда ушбу даволаш муассасаларида энг мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилаётганлиги» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизмати, тиббиёт соҳаси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, муста-

қиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида қатор ислохотлар, янгиланишлар амалга оширилди. Тизимни ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бугунги кун-

да мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизида ўнта республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари ташкил этилиб, улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульманология ҳамда эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Умида ИСМОИЛОВА,
«Turkiston» мухбири

ОҚСАРОЙ

Ким эшитган «осмон булоғин»,
Минг хонали қаср тоқида.
Мавжи келиб ўйноқ оққанин,
Сўзлаб берай унинг ҳақида.

Самарқанднинг этакларида,
Довон бордир Тахти Қорача.
Унинг сопол қувурларидан,
Сув оқмишдир фавворагача.

Бобил осма боғи ҳам яйдоқ,
Қиёсласак «осмон қасри»га —
Тепасида серҳашам булоқ,
Булутларни олган асирга.

Бухородан тонгда бўйласанг,
Уфқ узра товланган гумбаз.
Эшитгач дол Миср то Фаранг,
Соҳибига тўшар пойандоз.

Минг хонали улўвор сарой,
Маҳобати Ҳисор тоғича.
Тунда бошин қўйган экан ой —
Шаффоф гумбаз узра оқ гумбаз.

Гарчи топтаб, айлаб хароба,
Ўтмишимни тутмоқ бўлган сир.
Соҳибим деб, буюк сарқарда,
Мағрур, қаддин эгмаган қаср.

Унинг номи улўф Оқсарой,
Соҳибқирон, синмас яроғи.
Асрлар-ла, тенглашиб ҳумой,
Порлар мангу юртим чиройи.

Шерзод БАРАЛОС

БАРКАМОЛ АВЛОД

Баркамол авлод — юртининг эртаси!
Яшна, гулшан аро мисли настарин.
Имкон йўлкалари сенга мунгазир,
Мана, сенинг учун олқиш, офарин.

Баркамол авлод! Ишонган тоғим,
Тоғки, Тяншану Помирдан улўф.
Сен Ватан умиди, кўзин қароғи,
Кўксимга қадалган бир муқаддас туғ.

Саломат НУРИЛЛАЕВА



Балиқларнинг хотираси кучли бўлади

Канаданинг Макеван университети олимлари балиқнинг хотира кучини аниқладилар.

Масалан, улар қаерда овқатланганларини ўртача 12 кун давомида эслаб тура олишади. Улар орасида балиқларнинг цихлид тури танлаб олиниб, тажриба ўтказилди. Тажрибада аквариумнинг турли жойларига овқат қўйиб чиқилган. «Машғулот» уч кун давом эттирилганидан сўнг, балиқлар бошқа жойга кўчирилган ва уларга дам берилган. Орадан маълум муддат ўтиб, балиқлар «тажриба» аквариумига қайтарилиб, уларнинг ҳаракатлари махсус камера орқали кузатилган. Натижада, балиқлар энг кўп вақтни аввал овқат топган жойларида ўтказишган. Шундай қилиб, олдинги — балиқлар ҳодисани фақат ўттиз сония давомида эслаб қолади, деган фикр хато эканлиги маълум бўлди.

Кустонинг рекордини Кусто янгилади

Франциялик сайёҳ Жак-Ив Кустонинг невараси — Фабыен Кусто сув остида ўттиз бир кун бўлиб, бобосининг рекордини янгилади.

У сувдан чиққанидан сўнг, денгиз унга уйдан-да қулайроқ эканлигини айтган. Ёш денгизчи «Аквариус» сувости лабораториясида «Миссия-31» дастури бўйича денгиз тубида бўлди ва бобоси ўрнатган рекорддан бир кун кўп лабораторияда яшади.

Денгизчининг бобоси Жак-Ив Кусто сайёрада одамлар сонининг кўпайиб кетиши ва вақти келиб инсоният сувостида турар-жой қуришини исботлаш учун 1963 йили 30 кун давомида Қизил денгиздаги сувости базасида яшаган.

Ёнилғи ўрнига денгиз ўллари

Япониянинг Фудзисава шаҳрида Евлена деб номланган сув ўтидан ҳаракатланувчи автобус қатновни бошлади.

Автобус ҳозирча бир йўналишда, қунига йигирма икки маротаба қатнамоқда. Сув ўти ёнилғиси билан ҳаракатланувчи автобус моторлари «Isuzu» ва «Euglena» компаниялари ҳамкорлигида кашф этилган. Ҳозирда автобусларга бензин ва сув ўти ёнилғиси тенг миқдорда, ярим-яримдан қуйилмоқда. Компания ходимларининг айтишича, 2018 йилга келиб, автобусларга юз фоиз сув ўтларидан тайёрланган ёнилғи қўйилади.

Суарес энди Барселонада

Испаниянинг «Барселона» футбол клуби Луис Суарес трансфери борасида Англиянинг «Ливерпул» футбол клуби билан келишувга эришди.

Каталонияликлар 27 ёшли ҳужумчи учун тўқсон миллион евро тўлашга рози бўлди. Эслатиб ўтамиз, FIFA Луис Суаресни футбол ўйинида рақибини тишлаб олгани учун Уругвай терма жамоасининг тўққизта расмий учрашувидан ва тўрт ой давомида футбол билан боғлиқ ҳар қандай фаолият туридан четлатган. Шу сабаб, «Барселона» билан шартномада рақибларни тишлашни тақиқловчи банди учратишимиз мумкин.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Yosh fermerlar

ЕРГА БОҚСАНГ, ОЛТИН БЎЛАДИ, ЭЛГА БОҚСАНГ, БАХТИНГ КУЛАДИ!..

Мирзоҳид Мирзааҳмедов ёш бўлса-да, деҳқончиликни урдадан олганлардан бири. Ер билан тиллаша олиш унинг қон-қонига синган. Отаси Нурмуҳаммад ака 2005 йилда Уйчи туманидаги «Эгамбердиев ММТП» қошида «Мирзааҳмад ота ўғиллари Нурмуҳаммад» фермер хўжалигини ташкил этиб, ҳар йили пахта ва галла сотиш шартномавий режасини туманда биринчилардан бўлиб бажариб келган.

Отасининг «Ерга яхши ишлов бериб, қийинчиликлардан қочмасанг, ҳосил чўғи баланд бўлади. Ҳалол меҳнат инсонни элда азиз қилади», деган панду насиҳатларига амал қилган Мирзоҳид отасига ҳар бир ишда кўмакчи бўлди. Олти йил фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлади. Ёш фермер бу фурсат мобайнида ҳар бир агротехник тадбирларни пухта ўзлаштириб борди. Пахта ва галла етиштириш

борасида ҳосилдорликни оширишда нималарга эътибор бериш кераклигини ўрганди.

2011 йилда Мирзоҳид Мирзааҳмедов ер эгасига айланиб, «Мирзааҳмад ота ўғиллари Нурмуҳаммад» фермер хўжалиги раҳбари бўлди. Ёш фермер хўжалик қошида чорвачилик ва балиқчиликни йўлга қўйди. Бугун бу ерда ўн саккиз бош қорамол боқилмоқда. Йилига 400-500 килограмм балиқ ички бозорга етказиб берилаётир.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги қошида иссиқхона ташкил этиб, бу ерда помидор, бодринг каби сабзавотлар ва лимон етиштирилмоқда. Айни пайтда фермер хўжалигига қарашли савдо шохобчаси ҳам ишлаб турибди.

— Йигирма саккиз нафар хўжалигимиз аъзоси билан барча ишларни бадастир қилмоқдамиз, — дейди ёш фермер. — Ўтган йили уч нафар коллеж ўқувчисини ишга олдик. Мақсадимиз эллик беш гектар майдондаги пахта ва галладан юқори ҳосил кўтариб, иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Эзгу мақсадлар йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Мирзоҳиддек ёш фермерларимиз сафи янада кенгаверсин.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА.
Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ
олган сурат

→	↖		↗		↖	Бежирим	↖	Сунъий майсазор	→	↖		↗	Шашқоқ-ли ўйини
Водий-дағи вилоят	Хордиқ, тин		Салаа (синоним)	Садо, товуш		Маҳаллий ичимлик хили	→		Тўда, пода		Гўзад, хушрўй		Иккинчи нота
→			↘	қорним тинч қулоғим	→	Совуқ чой		Дудоқ, ирин	→		Суяк ёғи	↖	
...-юз	Будут (форсча)	Баҳс, тортишув	→						Доир, таал-луқай	→			Минтақа, ҳудуд
→			↘		Суртма дори	Пиллапоя		Кўй подаси, сурув		«Ёз...» (корейс серияли)	... деган билан оғиз чучумас	↖	Мадрид футбол клуби
↖	Атлас, шойи, адрес	Электр энергия	↖			Телеканал, Россия	↖	...-чикир	↖			↖	Автобус русуми
→			↘		Хоҳиш, майл	→			Аммо, бироқ	→		↖	
Бугундан кейинги кун	Рубрика (ўзбекча)		↘	... бўлса ўрни бошқа	→			Ноз-карашма, таманно	→			↖	Андиша, ҳаё
↖				↘	Алиқулов (футб.чи)	→			Телефонда сузлашув боши	→			...хор, шан...



Sport

ЖАҲОН КУБОГИ КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Аргентинами, Германия?
Бразилиями, Нидерландия? Балки бошқа терма жамоадир?

Бугун футболга қизиққаннинг ҳам, қизиқмаганнинг ҳам эътиборидаги воқелик жаҳон чемпионати, десак муболага бўлмайди. Айниқса, совринли ўринлар учун кураш босқичи — ярим финал йўлланмасини берувчи чорак финал ўйинлари ҳақида гап борар экан, иккиланмай шундай дейиш мумкин.

Кеча тунда ва бугун тонгда 20-жаҳон чемпионати чорак финал босқичидан ўрин олган иккита ўйин бўлиб ўтди:

Франция — Германия
Бразилия — Колумбия

Бугун тунда эса ярим финал йўлланмаси учун Аргентина ва Белгия, эртага тонгда Нидерландия ва Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувлар бўлиб ўтади.

Биз учун эътиборлиси, Нидерландия ва Коста-Рика жамоалари ўртасидаги беллашувни юртдошимиз Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

Гулжаҳон СУВОНОВА

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йилнинг 10 июл куни «Камолот» ЁИХ Наманган вилояти кенгаши раиси **Иброҳим Хожиев** билан бўлиб ўтади. Сўхбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоян этишга шошилинг.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ: Ўзбекистонлик илк фотограф ким?

Жавобингизни 8 июл соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Улуғбек Бақоев.

Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков, Алишер Исмоилов, Навоий вилоятидан Қосим Ҳайдаров ва бўкалик Бобур Алишеров тўғри жавоб йўллашди.

YONDAFTARCHANGIZGA

Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч кўриқчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ